Insonga naf keltirish — oliy baxt!

# Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2013-yil 20-iyul, shanba № 86 (3279)

# Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!

## «O‘ZBEKISTON MUSTAQILLIKKA ERISHISH OSTONASIDA»



**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» китоби «Ўзбекистон» нашриёти томонидан лотин графикасига асосланган ўзбек ёзувида нашрдан чиқарилди.**

Маълумки, 2011 йили эълон қилинган бу китоб мамлакатимиз раҳбарининг Ўзбекистоннинг ўз давлат мустақиллигини қўлга киритиш арафасида ва ундан кейинги дастлабки ойларда олиб борган жўшқин ва серқирра фаолиятини акс эттиради.

Ўтган давр мобайнида бу фундаментал асарга бўлган қизиқиш ва эътибор янада кучайиб бормоқда. Мамлакатимиз ва хориждаги таниқли эксперт ва таҳлилчилар, кенг жамоатчилик томонидан ушбу китоб Ўзбекистонда давлат мустақиллигига эришиш йўлида халқимиз босиб ўтган ғоят оғир ва машаққатли курашлар йўлини ёритишда энг ишончли манба сифатида баҳоланиб, вақт ўтиши билан унинг ижтимоий-сиёсий, илмий-назарий ва амалий қиммати, жумладан, ўтмишни англаш, бугунги кунни қадрлаш ва келажакка ҳушёр ва сергак назар билан қараб яшашга ўргатишдаги аҳамияти тобора ортиб бораётгани таъкидланмоқда.

Тўпламда давлатимиз раҳбарининг 1989 йил 24 июндан 1992 йил 4 январга қадар, яъни республикамиз раҳбари сифатидаги фаолиятининг биринчи кунидан бошлаб мустақил Ўзбекистон Президенти этиб сайланиши ва ўз вазифасини бажаришга киришиш санасигача бўлган даврда сўзлаган нутқ, маъруза, мақола ва интервьюлари, Юртбошимиз томонидан имзоланган фармон, қарор ва қонунлар ўрин олган.

Бугунги кунда тарихнинг ноёб мулкига айланган бу ҳужжатлар ҳар томонлама ҳаётий ва мантиқий асосга эга экани, таҳлилий руҳи, муаллифнинг улкан интеллектуал салоҳияти, ҳар қандай шароитда ҳам Ўзбекистон манфаатини қатъий туриб ҳимоя қилишга қаратилган принципиал позицияси, нотиқлик маҳоратини ёрқин акс эттириши билан ҳеч кимни бепарво қолдирмайди. Кўпгина нутқ ва маърузаларнинг матнлари архив ҳужжатлари асосида тиклангани, яъни тўплам бутунлай бирламчи, асл манбалар асосида тузилгани унинг тарихий ва илмий қимматини янада оширади.

Мазкур асарда республикамизда ҳукм сурган ғоят мураккаб сиёсий, ижтимоий-иқтисодий вазиятда халқимиз бошидан кечирган таҳликали воқеалар хронологик тарзда, кетма-кет ёритилмасдан, ўша даврнинг сиёсий манзарасини тўлиқ акс эттирадиган чуқур таҳлиллар, яқин ва узоқ истиқболни кўзлаб илгари сурилган муҳим стратегик қарашлар, концептуал ёндашув ва хулосалар орқали ифода этилади. Уларнинг барчасини мустақиллик ғояси, таъбир жоиз бўлса, бамисоли қизил ип каби бирлаштириб туради. Шунинг учун ҳам ушбу тўплам яхлит асар сингари катта қизиқиш ва ҳаяжон билан ўқилади.

Ўзида сиёсий-иқтисодий, ғоявий-мафкуравий, тарихий-маънавий тафаккур ва таҳлил усулларини ўзаро уйғунликда мужассам этган бу кенг қамровли асар халқимиз ҳаётининг вақт ўтиши билан унутилиб, йўқолиб кетиши мумкин бўлган саҳифаларини тиклаб, истиқлол тарихимизни ҳаққоний асосда яратиш, бугунги ва келгуси авлодларнинг уни ҳар томонлама ўрганиб, англаб етишлари учун мустаҳкам замин яратади.

Президент Ислом Каримовнинг халқимизнинг сиёсий тафаккур хазинасига бебаҳо ҳисса бўлиб қўшилган «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» китоби истиқлол туфайли асл илдизларимизга қайтиб, ўз тақдиримизни ўзимиз белгилаш ҳуқуқига эга бўлганимиз, авлодларга ибрат ва намуна бўладиган буюк ишларни амалга оширганимизнинг ноёб тарихий солномасидир.

Китобнинг лотин графикасига асосланган ўзбек ёзувидаги янги нашри биз учун энг эзгу, энг азиз қадриятга айланган ана шу тарихий ҳақиқатни халқимиз, айниқса, ёш авлод онгига сингдиришда, ҳеч шубҳасиз, ғоят муҳим аҳамият касб этади.

**ЎзА**

Наманган шаҳар педагогика коллежини жорий ўқув йилида 700 нафар йигит-қиз мактабгача таълим, мусиқа таълими, жисмоний тарбия ва болалар спорти, бошланғич таълим, ахборот-ресурс маркази ходими, тиббий ижтимоий ходим ҳамда компютер ва компютер технологияларини таъмирлаш йўналишлари бўйича битирди. Бу ёш мутахассисларнинг асосий қисми халқ таълими тизимида меҳнат фаолиятини бошлаш арафасида.

**Суратда: битирувчи Фарида Жабборова.**

**Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (ЎзА) олган сурат**



## Бандлик дастури ижроси

**Бандлик дастури ижросини таъминлаш, вақтинча ишсиз аҳолига ўз лаёқатига мос иш топишига кўмаклашишда жойларда ўтказилаётган бўш иш ўринлари ярмаркалари муҳим омил бўлмоқда.**

Наманган вилояти Янгиқўрғон туманида маҳаллий ҳокимият, прокуратура, туман хотин-қизлар қўмитаси ва бошқа давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида ташкил этилган ярмаркада юзга яқин корхона ва ташкилотлар ўзларидаги беш юздан ортиқ бўш иш ўрни билан иштирок этди.

Тадбирда туман бандлик марказига мурожаат этган фуқаролардан икки юз етмишдан ортиғи шу ернинг ўзида турли корхона ва муассасаларга ўз мутахассислиги бўйича йўлланма олди.

— Ярмаркада жорий йилда касб-ҳунар коллежини битирган ёшлар ва вақтинча ишсиз фуқароларни иш билан таъминлашга асосий эътибор қаратилди, — дейди туман бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази раҳбари Юсуфжон Отахўжаев. — Жумладан, 245 нафар коллеж битирувчисига ишга жойлашиш учун йўлланма берилди.

— Ушбу ярмарка мен учун унутилмас воқеа бўлди, — дейди тумандаги иқтисодиёт ва транспорт касб-ҳунар коллежини битирган ёш мутахассис Гулҳаё Ёқубжонова. — Боиси шу ерда туман молия бўлимига ишга қабул қилиндим. Олган билимларимни амалиётда мустаҳкамлаб, юртимиз равнақига муносиб ҳисса қўшиш имкониятига эга бўлганимдан жуда мамнунман.

Тадбирда мутахассислар томонидан фуқароларга меҳнат қонунчилиги, ижтимоий муҳофаза шартлари, турли имтиёз ва кафолатлар тўғрисида зарур маслаҳат ва тавсиялар берилди.

**А.САТТОРОВ, ЎзА мухбири**

### Намунали бошланғич ташкилот

**Ташаббус кишиларни меҳнатга ижодий ёндашишга, ютуқларни кўпайтиришга ундайди. Ўз вазифасини завқу шавқ билан бажариш эса иш сифати ва самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Фаолият бошлаганига ҳали унча кўп бўлмаса-да «Самарқанд автомобил заводи» ОАЖда ана шундай ҳавасга арзигулик муҳит шакллантирилди.**

## Ташаббус қанотида

Автомобилсозликда нуфузли саналмиш бу корхонада илк кунларданоқ меҳнатни ташкил этишга ўзгача йўсинда ёндашилди. Эътиборли жиҳати, бошланғич касаба уюшма ташкилотининг ҳар бир ташаббуси маъмурият томонидан қўллаб-қувватлаб келинаётганлигидир.

Корхонада ўтган йилдан бошлаб «Очиқ эшиклар куни» деб номланган кенг дастурли тадбир амалга оширилмоқда.Бу кунга иш берувчи ҳам, касаба уюшмаси фаоллари ҳам катта тайёргарлик кўришади. Бунинг ўзига яраша сабаби бор. Сир эмас, аксарият хонадонларда ўсиб улғаяётган фарзандлар ота-оналарининг юмушлари ҳақида жуда оз билишади. Корхонада ўтказиладиган «Очиқ эшиклар куни»да ишчилар бу ерга оила аъзоларини таклиф этиши, фарзандлари ва турмуш ўртоғини ўзи бажараётган юмушдан бохабар этиши мумкин. Тадбир доирасида ходимларнинг иқтидорли фарзандлари ўртасида турли кўрик-танловлар ўтказиш анъанага айланган. Шунингдек, иқтидорлилар ижоди намуналаридан кўргазмалар ташкил этилиб, улар маъмурият ва касаба уюшма ташкилоти томонидан рағбатлантирилади. Ҳавас қилгулик яна бир жиҳат шуки, ҳатто оила бўлиб театр томошаларида иштирок этишга ҳам шароит яратиб берилган. Қисқа қилиб айтганда, ишчи ўз дастгоҳи ёнида, кундалик юмуши ва оиласи билан бирга. Ўғил отадан, қиз онадан нимадир ўрганади.

— Фаолиятимизга янги анъаналарни киритишга, шу орқали ходимлар руҳияти, ишчанлигига ижобий тасир кўрсатишга интиламиз, — дейди корхона бошланғич касаба уюшма ташкилоти раиси Саидаҳмад Тантеров. — Завод раҳбарияти бирор тадбир ўтказиш таклифи билан чиққанимиз ҳамон ҳам маънавий, ҳам молиявий томондан кўмакка шай эканлигини билдиради.

Ходимларга хавфсиз иш шароити яратиш, ҳудуд экологик мусаффолигини таъминлаш борасида муайян ишлар амалга оширилиб, ишни ташкил этишда қатор халқаро талаб ва меъёрларга асосланилмоқда. Чунончи, корхонада меҳнат қилаётган 914 нафар ишчи-ходимларнинг унумли ишлаши учун барча шарт-шароитлар мавжуд. Ходимлар сертификатланган махсус кийим-бош, пойабзал ва бошқа шахсий ҳимоя воситалари билан таъминланиб, режа асосида тиббий кўрикдан ўтказиб турилади. Корхона мутахассисларидан 166 нафари меҳнат хавфсизлиги бўйича ўқитилиб, синовдан ўтказилди.

— Вилоятдаги ишлаб чиқариш корхоналари орасида меҳнатни ташкил этиш, ходимларга етарлича шарт-шароит яратиш борасида «Самавто» заводи пешқадамлиги эътироф этилди, — дейди Самарқанд вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси меҳнат муҳофазаси бўлими мудири Усмон Каримов. — Ўтган фурсат хавфсизлик қоидаларига тўла амал қилинганлиги, бу мақсадга мўлжалланган маблағларнинг ўз ўрнида сарфланганлиги боис ишлаб чиқариш билан боғлиқ кўнгилсиз ҳолатлар қайд этилмади.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан ўтказилаётган «Меҳнатни муҳофаза қилиш ишларини ташкил этиш бўйича энг яхши корхона Республика кўрик-танлови» нинг вилоят босқичида 48 та бошланғич ташкилотларнинг бу йўналишдаги ишлари ўрганиб чиқилди. Нуфузли ҳайъат қарорига кўра Самарқанд автомобил заводи танлов ғолиби, деб топилди. Бугина эмас. Тармоқ корхоналари орасида жамоат ишини ташкил этиш бўйича ибратли ишлари учун бошланғич касаба уюшма ташкилоти «Намунали бошланғич касаба уюшма ташкилоти» сифатида эътироф этилди. Корхонада бўлганимизда ходимларга ғамхўрлик кўрсатаётган бошланғич касаба уюшмаси фаолиятидан барча миннатдор эканини ҳис этдик.

**Нурилла ШАМСИЕВ, «Ishonch» мухбири**

### Тараддуд

**Ўтаётган ҳар бир кун бизни энг азиз ва энг улуғ байрам — мустақиллигимизнинг 22 йиллиги байрамига яқинлаштирмоқда. Бу йилги қутлуғ санага Сурхон воҳасининг барча туман ва шаҳарларида зўр кўтаринки руҳда тайёргарлик кўрилмоқда. Термиз шаҳри билан бир қаторда, энг олис қишлоқлар, кўча ва майдончаларда катта ҳажмдаги бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари жадал олиб борилмоқда.**

## Кўтаринки руҳда

— «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» деган шиорни асосий ғоя сифатида ўзида мужассам этган ташкилий-амалий, маданий-маърифий тадбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ишларида касаба уюшмаларининг фаол иштироки таъминланаётир, — дейди Сурхондарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси А. Аҳмедов. — Энг улуғ, энг азиз байрамимизни муносиб кутиб олиш учун икки мингга яқин бошланғич ташкилотларнинг етакчиларигина эмас, ҳар бир касаба уюшма аъзоси жонбозлик кўрсатмоқда. Ушбу тадбирларда мамлакатимизда истиқлол йилларида эришилган мислсиз ютуқлар ва амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти халқимизга изчил етказилмоқда. Шу билан бирга, Ўзбекистоннинг ўзига хос тараққиёт йўли — «ўзбек модели»нинг мамлакатимиз учун ҳал қилувчи бир пайтда энг тўғри, энг оқилона йўл сифатида танланганини, бу йўл ҳар томонлама ўзини оқлагани ва бугунги кунда амалий натижасини бераётгани мисоллар орқали меҳнаткашлар ўртасида тарғиб қилинмоқда. Шунингдек, «Ободлик кўнгилдан бошланади» шиори остида шаҳар, туман ва қишлоқларда, маҳалла ва гузарларда, корхона ва ташкилотлар, ўқув муассасаларида, кўп қаватли уйлар атрофида кенг кўламли ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини амалга оширишда касаба уюшма ташкилотлари фаол иштирок этмоқда. Бошқаларга ўрнак бўлаётган бошланғич ташкилотларни муносиб рағбатлантириш борасида туман касаба уюшмалари фаолиятини мувофиқлаштириш қўмиталари томонидан алоҳида тадбирлар режаси ишлаб чиқилган.

Маънавият тарғиботчилари, адиб ва санъаткорлардан иборат 3 та маънавий-тарғибот гуруҳи жойларда тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб бормоқда. Термиз шаҳри ва тумани, Ангор, Шеробод, Сариосиё, Бойсун, Жарқўрғон туманларида бир-биридан қизиқарли учрашувлар бўлиб ўтди.

— Ушбу тадбирларни расмиятчилик, баландпарвозликдан холи, кенг жамоатчилик вакилларини жалб этган ҳолда, оддий одамларнинг қалби ва онгига етиб борадиган, уларнинг руҳи ва кайфиятини кўтарадиган, янги марралар сари илҳомлантирадиган мазмун ва шакллар асосида ўтказишга алоҳида эътибор қаратаяпмиз, — дейди вилоят маънавият тарғибот маркази бўлими раҳбари Муҳаммаджон Азимов. — Халққа маънавий, руҳий қувват бериб, улуғ ишларга чорловчи ана шундай учрашувлардан бири Ангор туманидаги Алишер Навоий қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги «Гиламбоп-2» ҳамда «Зартепа» маҳалла фуқаролар йиғинларида ўтказилди. «Истиқлол ва фуқаролар йиғини», «Ўзбекистоннинг 22 йил ичида босиб ўтган тараққиёт йўли», «Истиқлол ва ёшлар», «Мустақилликни мустаҳкамлашда фахрийларнинг ўрни» мавзуидаги маърузалар иштирокчиларда катта таассурот қолдирди. Шоирларнинг Ватан, мустақиллик ва тинчликни мадҳ этувчи шеърлари барчага кўтаринки кайфият бағишлади. Учрашувда марказимиз томонидан мустақилликнинг 22 йиллигига бағишлаб чоп этилган 10 номдаги китоб ва рисолалар, Обод турмуш йилига бағишланган плакатлар қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинларига бепул тарқатилди.

**Рустам ДАВЛАТОВ, «Ishonch» мухбири**

### Янгиликлар оқимидан

#### СИРДАРЁ

**Сирдарё вилоятида жорий йилнинг биринчи ярим йилида меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси ва унинг жойлардаги марказлари томонидан касб-ҳунар коллежлари битирувчилари учун беш маротаба бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди. Мазкур ярмаркаларда 1533 нафар йигит-қиз ўзларига маъқул бўлган касб ёки ҳунар соҳиби бўлишди.**

## Иш ўрни яратилди

Ўтказилган сўровномалар натижасида 679 нафар битирувчи тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагини билдирди. Улар билан Банк ва коллеж ҳамкорлиги шартномалари тузилди. 2013 йил давомида тижорат банклари томонидан касб ҳунар коллежлари битирувчилари бўлган ёш тадбиркорларга 2 млрд. 200 млн. сўмлик имтиёзли кредит ажратилиши режалаштирилган.

Сирдарё туман «Ширин» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида фаолият юритувчи «Соҳил-Соҳибкор-Барака» МЧЖга қарашли «Болалар дисней истироҳат боғи» ишга тушди. Бу ерда 15 нафар битирувчи 3 томонлама шартномалар асосида ишга қабул қилинди.

**Озода МАМАДАЛИЕВА, «Ishonch» мухбири**

#### ФАРҒОНА

**Марғилон шаҳрининг Мустақиллик кўчасида Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси бўлимининг икки қаватли янги биноси фойдаланишга топширилди.**

## Байрамолди туҳфаси

Уни «Фарғона бунёдкори» қурилиш ташкилоти жамоаси қуриб битказди. Қурилиш ишларига 300 миллион сўм сарфланди.

— Янги маъмурий бинода жамғарма ходимлари томонидан пенсия ва нафақа олувчиларга сифатли хизмат кўрсатиш ва фуқароларни қабул қилиш учун барча шарт-шароит яратилди, — дейди Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси вилоят бошқармаси бошлиғи Саъдулло Алижонов. — Хоналар замонавий мебеллар, ахборот технологиялари билан жиҳозланган. Ходимлар соҳага тааллуқли барча меъёрий ҳужжатларнинг электрон нусхалари билан таъминланган.

Таъкидлаш зарурки, тизим ходимларининг самарали фаолият кўрсатиши учун зарур шарт-шароит яратилган.

**Муҳаммаджон МАҲМУДОВ**

#### АНДИЖОН

**Мустақилликнинг 22 йиллик байрами арафасида Андижон вилоятида янги иншоотлар қад ростлади.**

## Замонавий бозорча

Андижон шаҳрининг 3-миттитуманида янги замонавий бозор ҳашар йўли билан қурилиб, ишга туширилди. Ушбу савдо маскани «Янги бозор» деҳқон бозорининг тўртинчи шохобчасидир. 30 ўринга мўлжалланган расталарда барча шароит бор. Келажакда «Боғишамол» ва «Бўстон» турар жой мавзеларида ҳам шундай бозорчалар қурилади.

**Абдулҳай ЮНУСОВ, «Ishonch» мухбири**

#### НАВОИЙ

**Қизилтепа тумани ҳокимлигида «Обод турмуш – фаровон ҳаёт гарови» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Республика Марказий банки ҳамда Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда банк мутахассислари, партия фаоллари, ҳунармандлар, оилавий тадбиркорлар, МФЙ раислари ва коллежлар битирувчилари иштирок этишди.**

## Ёш тадбиркорларга мадад

Оилавий тадбиркорлар ҳамда миллий ҳунармандчилик билан шуғулланмоқчи бўлган ёшларга Марказий банк мутахассислари томонидан мақсадли режалойиҳалар, кредитлар ҳақида тушунчалар берилди. 30 нафар битирувчи йигит-қизга эса кредитлар олиш учун махсус сертификатлар тақдим этилди.

**Мансур АЛОВУДДИНОВ, «Ishonch» мухбири**

## Бошланғичда нима гап?

**Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети малакали педагог кадрлар етиштириб берадиган энг нуфузли олий таълим даргоҳларидан ҳисобланади. Албатта, бунда фидойи профессор-ўқитувчилар, заҳматкаш педагогларнинг хизмати беқиёс. Хўш, бу меҳридарё илм-маърифат фидойиларининг ёзги таътиллари қандай ташкил этилмоқда? Талабалар-чи? Шу каби саволларга жавоб олиш мақсадида университетда бўлганимизда ходимлар касаба уюшмаси раиси Салим Болтабоев ва табиий фанлар факултети касабақўм етакчиси Саид Исмоиловнинг қизғин суҳбатлари устидан чиқдик.**





# Устоз ва шогирдлар ғамхўри

— Ҳозиргина факултет профессор-ўқитувчиларининг меҳнат таътили ва талабаларимизнинг мазмунли дам олиши борасида амалга ошираётган ишларимизни таҳлил қилаётган эдик, — деди С.Болтабоев. — Барча касаба уюшма қўмитаси раислари билан худди шу йўсинда иш олиб борамиз.

Сафимизга 1550 нафар аъзони бирлаштирганмиз. Маъмурият ва касаба уюшма қўмитаси ўртасида 2011-2014 йиллар учун тузилган жамоа шартномасида белгиланган вазифалар ижросини ўрганиш мақсадида маъмурият ва касаба уюшмаси вакилларидан иборат махсус ишчи гуруҳ барча бандлар бажарилишини тўлиқ назоратга олган. Мазкур шартнома ходимлар билан маъмуриятнинг меҳнат, ижтимоий-иқтисодий, касб муносабатларини мувофиқлаштиришга қаратилган меъёрий ҳужжат сифатида муҳим аҳамият касб этмоқда. Мисол учун, ишга қабул қилишда Меҳнат Кодексининг 176-, 177- ва 178- моддаларига мувофиқ ҳар бир ходимга иш шароити ва иш ҳақи тўғрисида маълумот берилиб, лавозим йўриқномалари билан таништирилади.

Қолаверса, профессор-ўқитувчилар ва ходимларимизнинг дам олишига доир баъзи масалаларни ҳал этиш, меҳнат муҳофазаси, кам таъминланган, ёлғиз ва кекса ёшдаги ходимлар ва сафимизга эндигина кириб келган ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг муаммоларини ўрганиб, моддий ёрдам кўрсатишга алоҳида эътибор қаратаяпмиз.

Режада белгиланган масалаларни ўз вақтида амалга ошириш, қонун ва қонуности ҳужжатлари талабларига кўра, ходимларни меҳнат муҳофазаси бўйича ўқитиш ишлари, аёллар учун меҳнат қонунчилигида назарда тутилган имтиёзларга тўлиғича риоя этилаётир.

Шогирдлари нуфузли илмий анжуман ва турли фан олимпиадаларида муваффақият қозонган профессор-ўқитувчилар моддий қўллаб-қувватланмоқда. Яқинда бир гуруҳ ана шундай «Устоз-шогирд»лар рағбатлантирилди. Шунингдек, республика ва халқаро миқёсдаги спорт мусобақаларида юқори марраларни забт этган иқтидорли талаба спортчиларга ҳам шундай ҳурмат кўрсатилди. «Энг яхши гуруҳ мураббийси» танлови ғолиблари ҳам касаба уюшмаси эътиборидан мамнун. Ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган ва серфарзанд ходимларга моддий ёрдам ва меҳр-мурувват кўрсатишда ҳам доимо камарбастамиз.

Касабақўм ташаббуси билан маъмурият, «Маънавият ва маърифат» бўлими, Хотин-қизлар кенгаши, «Камолот» ЁИҲ ҳамда бошқа жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида кўплаб тадбирлар уюштирилмоқда. Айниқса, миллий қадриятлар, урф-одатларимизни асраб-авайлаш, ёшлар қалби ва онгига она юртга муҳаббат, истиқлолга садоқат туйғуларини сингдириш, уларни ўз миллати ва халқига садоқат руҳида тарбиялашга бағишланган тарбиявий мавзудаги маданий-маърифий учрашувлар, давра суҳбатлари талабаларда катта таассурот қолдирмоқда.

Мазмунли ҳордиқ меҳнат унумдорлиги гаровидир. Айниқса, тарихий шаҳарлар бўйлаб жамоавий саёҳатлар кўнгилларга кўтаринки кайфият бағишлайди. Яқинда олийгоҳда узоқ йиллар самарали меҳнат қилиб, фаоллик кўрсатаётган бир гуруҳ профессор-ўқитувчи ва ходимларнинг Самарқанд шаҳрига саёҳати уюштирилди.

Рақамларга эътибор қаратсак. Биргина жорий йилнинг шу давригача касаба уюшма қўмитаси томонидан театр томошалари, музей ва юртимизнинг диққатга сазовор жойларига уюштирилган саёҳатлар, хусусан, маънавий-маърифий ишларга 5 млн. 890 минг сўмдан ортиқ, 60 нафар ходимга 2 млн. 435 минг сўм миқдорида моддий ёрдам, 30 нафар ходимга эса 1 млн. 365 минг сўм миқдоридаги рағбатлантирувчи кўмак, спорт-соғломлаштириш тадбирларига эса 2 млн. 420 минг сўм, ходимлар ва уларнинг фарзандларини ёзги соғломлаштириш оромгоҳлари ва санаторийларга дам олдириш учун касаба уюшмаси ҳисобидан 2 млн. 852 минг сўмлик йўлланма ажратилди. Шунингдек, юбилей ёшига етган устозларга ҳам касаба уюшмаси томонидан алоҳида эҳтиром кўрсатилди.

Бўстонлиқ туманидаги университетга қарашли «Хумсон» ўқув-дала амалиёти базасида ҳар йили табиий фанлар факултетининг юздан зиёд талабаси амалиёт ўташ билан бир вақтнинг ўзида дам олиб, соғлигини тиклаб қайтмоқда. Талабалар куннинг биринчи ярмида амалиёт, иккинчи ярмида эса спортнинг бир неча турлари билан шуғулланиб, турли маданий-маърифий тадбирларда қатнашиши мумкин.

Аслида, бу ерда мавсум 25 майдан 25 августгача ҳисобланса-да, йил бўйи унинг хизматидан баҳраманд бўлиш мумкин. Ҳар мавсумда 450 киши соғлигини тиклаб, дам олиш имкониятига эга бўлади. Барча шароитларга эга бўлган оромгоҳда каштан, турли мевали дарахтлар, доривор ўсимликлар парваришланмоқда.

**Нарзулла МАҲАМОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

## Тадбир

# Экологик медиатур

**Фарғона вилоятида Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳамда вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, Экология ва саломатлик жамғармаси ҳамкорлигида Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 25 йиллигига бағишланган экологик медиатур ташкил этилди.**

Тадбир дастурига мувофиқ иштирокчилар дастлаб атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги илғор тажрибалар, уларнинг самаралари билан танишиш мақсадида «Фарғона нефтни қайта ишлаш» заводи унитар корхонасида бўлдилар. Мамлакатимизнинг нефт мустақиллигини таъминлашда ушбу корхонанинг ўзига хос ўрни бор. Айни пайтда бу ерда юқори октанли бензин, жумладан, авиация керосини, дизель ёнилғиси, кокос, турли хил мойлар ва (компрессор, турбина, урчуқ кабилар учун) парафин, мотор мойларига қўшимчалар, битум, мазут каби 60 дан ортиқ нефт маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда.

Кейинги йилларда заводда учта халқаро тизим ишлаб чиқаришга жорий қилинди. Бугунги кунда сифат менежменти, экологик менежмент, саломатликни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлигини таъминлаш тизимлари самарали фаолият кўрсатаяпти. Корхона мутахассислари турли жамоат ташкилотлари ва матбуот вакилларига соҳага татбиқ этилган экологик тоза технологиялар ҳамда келгусидаги устувор саъй-ҳаракатлар ҳақида батафсил гапириб бердилар.

— Корхонамизда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасида амалга оширилаётган тадбирлар кўлами йил сайин кенгаймоқда, — дейди завод бош экологи Абдуманноп Мирзаев. — Газларни фракцияларга ажратиш, нефт ташламаларни қайта ишлаш қурилмаларининг ишга туширилиши шулар сирасидан. Шунингдек, заводимизга туташ Тошлоқ туманининг экологик ҳолатини соғломлаштириш, ер ости сувларининг нефт маҳсулотлари билан ифлосланишини бартараф этиш мақсадида «Ўзбекгидрогеология» мутахассислари билан биргаликда заводга қарашли дала ҳовлилар ҳудудларида юзага яқин сувлар ифлосланишининг олдини олувчи қўшимча тизим қурилиб, мукаммал жиҳозланди ва ушбу комплекс тўла қувват билан ишлатилмоқда. Туманнинг бир неча маҳаллалари ҳудудларида ер ости сувларининг ифлосланиши билан боғлиқ экологик ҳолатларнинг олди олинди.

Бу соҳадаги ишларнинг мукаммал тизимини йўлга қўйиш ва уларнинг жаҳон талаблари даражасида бошқарилишини таъминлаш учун бундан олти йил аввал экологияни бошқариш халқаро тизимини жорий қилиш ҳаракати бошланган эди. Халқаро маслаҳатчиларнинг мунтазам кузатуви ва амалий йўл-йўриқлари ҳамда ишчи-хизматчилар ва корхона касаба уюшмасининг бу тизимга бўлган хайрихоҳлиги ўз самарасини берди. Германиянинг халқаро аккредитациялаш органи томонидан сертификатлаш кўриги якунига кўра бу борада рўёбга чиқарилган ишлар ижобий баҳоланиб, тизимнинг халқаро талаблар даражасида эканлигини тасдиқловчи сертификат берилди.

Медиатур иштирокчилари Марказий Фарғонанинг «Ёзёвон чўллари» массивига ҳам ташриф буюриб, муҳофаза қилинадиган табиий ҳудуднинг ўсимлик ва ҳайвонот дунёси билан танишдилар. Марказий Фарғонанинг ҳали ўзлаштирилмаган бу қисми ўзига хос ноёб ландшафтли шаклланган биологик тизимга эга. Унинг 1543 гектари ўрмон билан қопланган, уч гектари сувли ерлар. Шунингдек, 188 туркумга оид 302 хил ўсимлик, 5 дарахт, 24 бута, 10 чала бута, 98 хил кўп йиллик ўтлар, 165 хил бир йиллик ўсимлик турлари учрайди.

Шундан сўнг иштирокчилар янги қурилаётган Ёзёвон сув омборидаги қурилиш-монтаж ишларини кўздан кечиришди. Тадбирнинг иккинчи кунида медиатур қатнашчилари атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги энг яхши тажрибалар билан танишиш мақсадида Қўқон шаҳридаги «Индорама» Ўзбекистон-Сингапур қўшма корхонасида бўлдилар. Мазкур корхона Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 20 йиллиги арафасида ишга туширилган бўлиб, сифатли ва хавфсизлик бўйича Европа талабларига жавоб берадиган жиҳозлар билан таъминланган. Янги модификациядаги линиялар Швейцариянинг технологик жиҳозлар ишлаб чиқариш ва етказиб бериш бўйича жаҳонда етакчи компаниясига тегишлидир. Шунингдек, фабрикада Белгия ва Япония андозаларидаги ускуналар ўрнатилган. Корхонада комплекс пахта толасидан сифатли калава ип ишлаб чиқарилади.

Фарғонада уюштирилган икки кунлик экологик медиатур давомида иштирокчилар Бағдод тумани марказий шифохонасидаги вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан ўрнатиб берилган қуёш батареясининг ишлаш жараёнини кузатдилар. Шунингдек, вилоят фермер хўжаликларида ғўзани томчилатиб суғоришнинг йўлга қўйилиши билан танишиб, Қўқон шаҳридаги Худоёрхон ўрдаси-музейига йўл олишди. У ерда ўтмиш ҳунармандлари қўллари билан яратилган қадимий ёдгорликларни томоша қилишди.

**Музаффар МАМАТҚУЛОВ,**
**«Фарғонаазот» ОАЖ «Кимёгар» газетаси муҳаррири**

## Мақсад — болажонлар хавфсизлиги

**Бўстонлиқ, Паркент, Пискент, Ўрта Чирчиқ туманларида Тошкент вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасига қарашли 14 та болалар соғломлаштириш оромгоҳи фаолият кўрсатаётир. Мавсум давомида ушбу масканларда 11 минг нафардан ортиқ ўқувчиларнинг дам олиши режалаштирилган.**



# «Ёш қутқарувчи»лар мусобақаси

Вилоят фавқулодда вазиятлар бошқармаси ходимлари томонидан болажонларнинг хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирларини кўриш, шунингдек, юзага келиши мумкин бўлган табиий ва техноген тусдаги фавқулодда вазиятларда тўғри ҳаракат қилишга ўргатиш мақсадида, барча оромгоҳларда «Фуқаро муҳофазаси куни» тадбирлари ва «Ёш қутқарувчи» мусобақаси ўтказиб келинмоқда.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида Фавқулодда вазиятлар бошқармасининг Чирчиқ ва Ангрен шаҳарларида Аҳолини ва раҳбарлар таркибини тайёрлаш марказлари томонидан 23 маротаба шундай тадбирлар ўтказилиб, уларда саккиз минг нафарга яқин болаларнинг фуқаро муҳофазаси бўйича билим ва кўникмалари мустаҳкамланди. Ўтказилаётган тадбирларнинг қизиқарли ва мазмунли ўтишини таъминлаш мақсадида, сувда чўкаётган болани қутқариш, ёнғинни ўчириш, зилзила пайтида болаларни хавфсиз ҳудудга эвакуация қилиш, жароҳатланганларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш жараёнлари гуруҳлараро мусобақаларда амалий тарзда кўрсатиб берилмоқда.

«Максам-Чирчиқ» очиқ акциядорлик жамиятининг Бўстонлиқ туманидаги Оқтош қишлоғида жойлашган «Кимёгар» болалар соғломлаштириш оромгоҳида ташкил этилган кўргазмали тадбирда вилоят ҳудудида фаолият юритаётган болалар оромгоҳларининг дам олувчилари ва тегишли ташкилот вакиллари иштирок этди. Тадбир аввалида Фавқулодда вазиятлар бошқармасининг Тез ҳаракат қилиш махсус отряди қутқарувчилари томонидан кўргазмали чиқиш ташкил этилди. Унда қутқарув ишларини олиб бориш тартиби, имкониятлар ва қоидалар ҳақида йиғилганларга амалий тушунчалар берилди.

Тўрт босқичда ташкил этилган мусобақа давомида болаларнинг фуқаро муҳофазаси бўйича билим ва малакаларини мустаҳкамлаш мақсадида расмлар танлови ҳам ташкил этилди.

Тадбирда фаол иштирок этган болалар ташкилотчилар томонидан тақдирландилар.

**Музраб АДИЛОВ,**
**Тошкент вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси Қутқарув кучлари бўлими бошлиғи**

**Бухоро солиқ, банк, юридик ва маиший хизмат касб-ҳунар коллежларида касаба уюшма қўмиталари томонидан ўқувчи ва ўқитувчиларнинг маънавий дунёқарашини юксалтириш, уларнинг бўш вақтини сермазмун ўтказиш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда.**

# Маънавий камолот йўлида

Жумладан, солиқ коллежида вилоят мусиқали драма театри жамоаси томонидан одам савдоси ва унинг салбий оқибатлари мавзусидаги «Меҳроб», «Заҳарли томчилар» спектакллари намойиш этилди. Барча ўқувчи ва ўқитувчилар «Кўҳна ва боқий Бухоро» маданий мажмуаси ва тарихий ёдгорликларга саёҳатга олиб чиқилди. Коллежда 28 та фан ва спорт тўгараги мавжуд бўлиб, уларга 611 нафар ўқувчи жалб қилинган. Ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш мақсадида турли тадбирлар ташкил этилмоқда. Коллеж касаба уюшма қўмитаси томонидан 2012-2013 йилларда битирувчиларнинг амалиёт ўташи, уч томонлама шартномалар тузилишига амалий ва услубий ёрдам кўрсатилди. Ўтган ойда 293 нафар битирувчига дипломлар топширилди.

**Б.САИДОВ,**
**Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Бухоро шаҳар кенгаши раиси**

## Талаба — стипендия соҳиби

# Интилганга толе ёр

**Мамлакатимизда ёш авлодни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, соғлом ва баркамол қилиб тарбиялашга қаратилган ишлар кўлами кенгайиб бормоқда. Айниқса, таълим муассасаларида таҳсил олаётган иқтидорли йигит-қизларга алоҳида эътибор қаратилаётир. Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши томонидан таъсис этилган стипендия ҳам шундай рағбатлардан биридир.**

Олий ва ўрта махсус тиббиёт таълим муассасаларида аъло баҳоларга ўқиётган ҳамда касаба уюшмалари фаолиятини ривожлантиришда фаол иштирок этаётган 28 нафар талаба-ўқувчи имтиёз соҳибига айланди. Улар орасида 1-Республика тиббиёт коллежи фелдшерлик факултети 2-босқич талабаси Линур Гизатуллин ҳам бор.

— Болалигимда ҳарбий бўлишни орзу қилардим. Мактабни битириш арафасида устозимнинг сендан зўр шифокор чиқади, деган маслаҳати билан тиббиёт коллежига ҳужжат топширдим. Айни пайтда коллежда касб сирларини ўрганмоқдаман. Интилишларимнинг илк меваси сифатида касаба уюшмаси стипендиясига муяссар бўлганимдан жуда қувондим, — дейди у.

Ёшлар — келажагимиз ойнаси. Улар қанчалик мукаммал билим соҳиби, ўз касбининг устаси бўлса, Ватанимиз ҳам шунчалик суръат билан равнақ топади, гуллаб-яшнайди.

**Раъно МАҲКАМОВА,**
**«Ishonch» мухбири**

## Ёзги соғломлаштириш

# Оромгоҳда тил дарси

**«Нефтчи» болалар оромгоҳи Шеробод туманидаги Шалқон қишлоғида жойлашган. Ҳар йил ёзги таътилда нефт ва газ соҳасида ишлаётган сурхонлик ишчи-ходим ва муҳандисларнинг 450 нафар фарзанди бу ерда мароқли дам олади.**

Мавсум олдидан оромгоҳдаги ётоқхоналар, ошхона, ёзги клуб саҳнаси, сув ҳавзалари сифатли таъмирланди. Темир сим кароватлар замонавий юмшоқ диванларга алмаштирилди. Янги мебел ва тумбочкалар келтирилди. Ювиниш хоналари ҳам намунали тарзда жиҳозланган. Спорт майдончалари таъмирланиб, турли спорт анжомлари харид қилинди.

Ошхонада сифатли маҳсулотлардан кунига 4 маҳал иссиқ овқат тайёрланмоқда. Бундан ташқари, ширинликлар, яхна ичимликлар, узум, олма, тарвуз ва бошқа ноз-неъматлар болажонлар дастурхонини безамоқда.



Оромгоҳда айни пайтда 150 нафар ўғил-қиз кўнгилдагидек ҳордиқ чиқармоқда. 6 та гуруҳга бўлинган дам олувчиларга 10 нафар маҳоратли тарбиячи бош-қош. «Маънавият ва маърифат» хонасида 400 дан ортиқ китоб, шунингдек, инглиз тилидаги адабиётлар мавжуд. Президентимизнинг 2012 йил 12 декабрдаги «Чет тилларни ўрганиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ инглиз тили бўйича машғулотлар ушбу оромгоҳда ҳам ташкил этилган.

— Сервиқор тоғнинг тоза ҳавосидан барҳаманд бўлиб, қуюқ дарахтзорлар орасида ҳордиқ чиқариш болажонларимизга хуш ёқмоқда. Тарбиячилар Тўлқин Улуғбердиев, Темур Шайманов, Севара Омонова, Илҳом Қосимов, Ҳулкар Равшанова ва етакчилар Озода Рўзмонова, Севара Бобоқулова дам олаётган фарзандларимизнинг вақтини мазмунли ва мароқли ўтказишда бор маҳорат ва тажрибасини ишга солишмоқда, — дейди бош тарбиячи Дилафрўз Алланазарова.

**Ўз мухбиримиз**

## Долзарб мавзу

**Бугунги кунда касаба уюшмалари ташкилотларига аъзоларни жамоа шартномавий муносабатлар билан тўлиқ қамраб олишга эришиш вазифаси юклатилган. Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси ҳамкорлигида 2013 йилнинг март-июн ойларида пойтахтдаги корхона ва ташкилотларда «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг бажарилиши юзасидан семинарлар ўтказилди.**

# Соғлом ва қулай

## иш берувчилар

Ушбу тадбирлардан кўзланган мақсад корхоналарда жамоа шартномаларини тузиш, меҳнат шароитларини яхшилаш, бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш, санитария-гигиена талабларига жавоб берувчи иш ўринларини яратиш, ходимларни дастлабки ва даврий тиббий кўрикдан ўтказиш, аёллар ва вояга етмаган фуқароларнинг меҳнат муҳофазаси ҳолатини ўрганиш, ходимларга меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатлигининг бошқа хил шикастланиши туфайли етказилган зарарнинг тўланишига эришишдир.

Семинарларда мулкчилик шаклидан қатъи назар корхона ва ташкилотлар раҳбарлари, хавфсизлик техникаси муҳандислари, касаба уюшма ташкилотлари раислари иштирок этдилар. Уларга сўнгги пайтда мамлакатимизда соҳага оид қабул қилинаётган қонун, меъёрий ҳужжатлар ҳақида батафсил тушунтиришлар берилди. Шунингдек, корхона ва ташкилотларда ишчи-хизматчиларга хавфсиз иш шароитлари яратилиши устидан давлат меҳнат техник инспекторлари назоратини кучайтириш, давлат бюджети ҳисобидан молиялаштирилаётган корхона, ташкилот ва муассасаларга (соғлиқни сақлаш, халқ таълими, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ва маданият ходимлари) маҳаллий бюджет ҳисобидан меҳнатни муҳофаза қилиш учун маблағ ажратилишини назоратга олиш масалалари ҳақида сўз юритилди. Шунингдек, ишлаб чиқаришдаги шикастланишларни камайтириш, содир бўлган бахтсиз ҳодисалар бўйича ўзаро келишилган ҳолда давлат меҳнат техник инспекторлари ва касаба уюшмалари билан биргаликда махсус текшириш олиб борилишини таъминлаш, Меҳнат Кодекси, меҳнатни муҳофаза қилиш меъёрлари ва қоидаларига риоя этиш бўйича ўрнатилган тартибда жамоатчилик назоратини амалга ошириш, корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнатни муҳофаза қилишнинг аҳволини ўрганиш, уни яхшилашга алоҳида эътибор қаратилди. Жамоа шартномаларида кўзда тутилган тадбирларнинг ижросини назорат қилиб бориш, ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодиса оқибатида ногирон бўлиб қолган ёки касб касаллиги туфайли меҳнат қобилиятини йўқотган ходимлар, боқувчисини йўқотган шахсларга тўланадиган товон пулларининг вақтида тўланишини доимий назорат қилиб бориш каби қатор масалалар ҳақида кенг тушунча берилди.

Шу билан бирга, айрим корхона ва ташкилотларда меҳнатни муҳофаза қилиш масалаларига етарли эътибор қаратилмаётганлиги ҳам аниқланди. Ушбу камчиликларни бартараф этиш мақсадида тармоқларнинг меҳнат муҳофазаси бўйича етакчи мутахассислари томонидан тақдимномалар берилган ҳамда бугунги кунга қадар уларда кўрсатилган камчиликлар бартараф этилганлиги тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилган.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, 2012 йилда жамоа шартномаларида меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича 12 мингдан ортиқ тадбир белгиланиб, уларга 6,4 млрд. сўм ажратилиши кўзда тутилган. Ҳақиқатда эса ўтказилган тадбирлар сони 10,3 мингга яқин бўлиб, уларга 5,8 млрд. сўм сарфланган. Меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати томонидан хизмат кўрсатилаётган бошланғич касаба уюшма қўмиталари сони 3937 тани, улардаги ишловчилар эса 553221 нафарни ташкил этади. Шу давр мобайнида меҳнат муҳофазаси йўналиши бўйича уч юздан ортиқ корхона ва ташкилот фаолияти

## Фуқаро мурожаати

**Ҳар бир мурожаат ортида инсон тақдири туради. Шу боис бўлимимиз фаолияти «Фуқаролар мурожаатлари тўғриси»даги Қонун ҳамда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсатининг 2013 йил 26 январдаги қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашида фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш Тартиби»га тўла риоя қилган ҳолда олиб борилмоқда.**

# Ҳар бир ходим эътиборда

Жорий йилнинг ўтган даврида бўлимимиз томонидан 35 та ёзма мурожаат кўриб чиқилди. Уларнинг 11 таси ижобий ҳал қилинди, 13 таси бўйича ҳуқуқий тушунтиришлар берилди. Шу даврда 83 та оғзаки мурожаат рўйхатга олиниб, 7 таси жойига чиқиб ўрганилган ҳолда ижобий ҳал қилинди, қолган мурожаатларга юридик ёрдам кўрсатилди.

Шунингдек, йилнинг биринчи чорагида вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасининг «Ишонч телефони» орқали жами 48 та мурожаат рўйхатга олиниб, муаллифларга бепул ҳуқуқий маслаҳатлар ва тегишли тушунтириш ҳамда тавсиялар берилди.

Мисол учун, Республика шошилинч тез тиббий ёрдам маркази вилоят бўлими гинекология бўлими врачи М.Эшчанова, Урганч қурилиш касб-ҳунар коллежи мутахассислари Ф.Сапарова ва Ш.Атажановларнинг маъмурият томонидан тўлиқ ставка иш билан таъминланмасдан, меҳнат ҳуқуқлари бузилаётганлиги, вилоят ҳокимлиги бино ва иншоотлардан фойдаланиш бошқармаси ходими М.Қуранбоеванинг иш ҳақлари ўз вақтида берилмаганлиги, шунингдек, ТАТУ Урганч филиали ўқитувчиси С.Ҳамроеванинг ҳомиладорлик ва туғиш таътил пуллари тўланмаганлиги тўғрисидаги мурожаатлари атрофлича ўрганилиб, тўлиқ қаноатлантирилди.

Бундан ташқари, мурожаатлар асосида Тошкент ахборот технологиялари университети қошидаги 1-академик лицей бош ҳисобчиси лавозимида ишлаб келган М.Файзуллаева, шу лицей коменданти Ш.Қурязова фуқаролик ишлари бўйича Урганч туманлараро суди орқали ишга тикланиб, М.Файзуллаевага 723.420 сўм ва Ш.Қурязовага 383.496 сўм миқдорида мажбурий бекор юрган вақти учун иш ҳақлари ундирилди. ОАТБ «Агробанк» Ҳазорасп филиали кредит бўлими етакчи мутахассиси лавозимида ишлаб келган О. Ядгаров эса маъмурият томонидан ноқонуний равишда ишдан бўшатилганлиги боис юридик бўлим ходимлари аралашуви билан вазифасига тикланди.

Ушбу мурожаатлар билан ишлаш жараёнида фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, меҳнат қонунчилигига риоя қилинишини таъминлаш борасидаги ишлар кўламини янада кенгайтириш лозим деган хулосага келдик. Жумладан, бўлим томонидан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Меҳнат Кодекси ҳамда «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонун ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарори билан тасдиқланган «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури» тамойилларидан келиб чиққан ҳолда бу борада қатор самарали ишлар олиб борилмоқда.

Белгиланган иш режаларига асосан, жойларда ушбу масала ўрганилиб, ташкилот ва корхоналарда фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлиги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, меҳнат муносабатларига риоя қилинишига оид тегишли тавсиялар ва тушунтириш берилди. Шу билан бирга, тегишли ташкилотлар билан тузилган жамоа шартномалари ва жамоа келишувларининг ижроси бўйича назорат олиб бориш, меҳнат шартномалари, ички меҳнат тартиб-қоидалари, таътиллар жадвалларини расмийлаштириш ва меҳнат низолари ҳамда ҳуқуқий масалалар бўйича доимий комиссиялар фаолиятини кучайтириш юзасидан амалий ёрдам кўрсатилиб, тушунтиришлар бериб келинмоқда.

Ташкилотлар фаолияти ўрганилиши жараёнида иш берувчилар ва касаба уюшмалари томонидан бу йўналишга оид қонунлар ва меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси талаб даражасида бажарилмаётганлиги аниқланди ва қонунбузилишларни бартараф қилиш чоралари кўриб борилмоқда.

Шунингдек, бўлимимиз томонидан фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш ҳамда меҳнат қонунчилигини тартибга солиш билан боғлиқ ҳужжатларнинг намунавий шакллари электрон нусхалари ташкилот ва корхоналарга етказилиб, ходимлар ва иш берувчиларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишга катта эътибор қаратилмоқда.

**Ҳусниддин НУРУЛЛАЕВ,**
**Хоразм вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси юридик бўлим мудири**

## Матбуот анжумани

# Мурожаатлар камайди

### БУНДА ҲАМ ҲИКМАТ БОР

**Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ва унинг ҳудудий органларига фуқаролардан келиб тушаётган мурожаатлар сони жорий йилнинг 1 ярим йиллигида ўтган йилнинг худди шу даврига нисбатан сезиларли камайди.**

Қўмита истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларини кенг оммага етказиш мақсадида изчил фаолият юритяпти. Жумладан, оммавий ахборот воситалари орқали ҳамда интернет саҳифаларида чиқишлар ташкил этилаётир. Жойларда семинар, брифинг ва давра суҳбатлари уюштириляпти. Савдо, хизмат кўрсатиш объектлари ҳамда ташқи реклама воситаларига қонун ҳужжатларини ва «Ишонч телефонлари» ахборотларини тарғиб қилувчи плакатлар жойлаштирилган. Миллий телерадиокомпания билан ҳамкорликда ижтимоий реклама роликлари тайёрланиб, мунтазам равишда эфирга узатилмоқда.

Ўтган ярим йил давомида жами 2164 та ариза, шикоят қабул қилинган бўлиб, шуларнинг 65,5 фоизи коммунал, 15,6 фоизи савдо, умумий овқатланиш, 6,1 фоизи транспорт, алоқа ва коммуникация ҳамда 12,8 фоизи бошқа соҳаларга тегишлидир. Тарғибот, ташвиқот ишлари билан бир қаторда, коммунал хизматлари кўрсатувчи ташкилотлар ҳамда маҳаллий ҳокимликларга ўз сайтларига истеъмолчи ва хизмат кўрсатувчининг ҳуқуқ, мажбуриятлари, уларни бажармаслик оқибатлари тўғрисидаги маълумотларни жойлаштириш таклифлари киритилди.

Қўмита томонидан амалга оширилаётган ишлар доирасида истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, рақобат ва табиий монополиялар тўғрисидаги қонунлар талабларини бузганлиги учун «Ўзтрансгаз» акционерлик компаниясининг «Тошкентгазтаъминот» унитар корхонасига нисбатан иш қўзғатилди ва кўрсатма берилди. Ушбу кўрсатмага асосан корхона зиммасига газ сарфини ҳисобга олиш асбобларини давлат қиёслаш кўригидан ўтказиш муддати келишидан аввал ушбу ҳақда аҳолини огоҳлантириш ҳамда қиёслаш кўригидан ўтказмаганлиги учун қўшимча қарздорлик ҳисоблашни тўхтатиб туриш юклатилди. Бироқ кўрсатмада келтирилган ҳолатларни ўз вақтида бартараф этмаганлиги сабабли «Тошкентгазтаъминот» унитар корхонасига нисбатан қонунчиликда белгиланган тартибда жарима санкцияси қўлланилди.

Юқоридаги ҳолатларнинг олдини олиш ва истеъмолчиларга қулайлик яратиш мақсадида истеъмолчилар учун коммунал соҳада мавжуд бўлган муаммолар бўйича қайси идорага мурожаат қилиш лозимлиги акс эттирилган плакатлар республикадаги барча коммунал хизматлар кўрсатувчи корхоналарнинг кириш қисмларига ўрнатилди. Газ ва электр таъминоти корхоналарида (қўмита масъул ходимлари иштирокида) истеъмолчилар учун қабул кунлари ташкил этилди. Пировардида жорий йилнинг июл ойи ўн кунлигида республика бўйича туман газ филиаллари ва электр тармоқлари корхоналарида 1000 дан зиёд истеъмолчи қабул қилинди ва 5.7 млн. сўмдан ортиқ маблағ улар фойдасига қайта ҳисоб-китоб қилинди.

Миллий матбуот марказида Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, аҳолининг истеъмол маданиятини ошириш борасида қўмита томонидан амалга оширилаётган ишлар мавзуида» ўтказган матбуот анжуманида ана шулар хусусида сўз юритилди.

Тадбирда қўмита масъул вакиллари журналистларнинг саволларига атрофлича жавоб беришди.

**Шарофат НОРҚУЛОВА,**
**«Ishonch» мухбири**

## Солиқ ва биз

**Президентимизнинг 2011 йил 29 июлдаги «Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни янада чуқурлаштириш бўйича 2011-2013 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни янада чуқурлаштириш, замонавий технологиялар асосида ишлаб чиқарилган, экспорт ҳажмини оширадиган, импорт ўрнини қоплайдиган, жаҳон бозорида рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш, пировардида, саноатни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва реал даромадлари ҳажмини ошириш учун муҳим ҳуқуқий замин яратди.**

# Имтиёз шарофати

Шайхонтоҳур туманида ушбу қарор асосида берилган солиқ имтиёзларидан фойдаланиб, ишлаб чиқаришни замонавий технологиялар асосида қайта жиҳозлаётган, сифат бошқарувини такомиллаштираётган, маҳсулот таннархини камайтираётган ва ишчилар моддий манфаатини ошираётган, илмий изланишлар орқали янгиликлар яратаётган корхоналар сони ўндан ошган. Ўтган йил якуни бўйича ушбу корхоналарнинг ўз тасарруфида қоладиган солиқ имтиёзлари миқдори 8342694,8 минг сўм бўлса, жорий йилнинг 1-чораги якуни бўйича маҳаллийлаштириш дастури асосида фаолият юритаётган хўжалик юритувчи субъектлар томонидан фойдаланилган солиқ имтиёзлари миқдори 1454823,0 минг сўмни ташкил қилган. Корхоналар мисолида айтадиган бўлсак, «Alutex» қўшма корхонаси ва Тошкент қувурлари заводи мазкур қарор асосида 1055722,5 минг сўмлик солиқ имтиёзларидан самарали фойдаланган.

**А. ЎСАРОВ,**
**Шайхонтоҳур тумани ДСИ «Солиқ текширишлари» бўлими бошлиғи**



**Қорақалпоғистон Республикаси Хўжайли туманидаги «Матниёз-Амин Хўжайли» агрофирмаси аҳоли дастурхонига сарҳил мева етказиб бериб, иқтисодий самарадорликка эришаётган корхоналардан.**

Агрофирмага қарашли икки ярим гектар боғда асосан олма ва нок дарахтлари парвариш қилинаётир. 300 тупдан ортиқ дарахтнинг юзга яқини тўлиқ ҳосилга кирган. Жорий баҳор мавсумида корхона ишчилари яна юз тупдан ортиқ олма ва нок кўчатларини ўтқазиб, ушбу ниҳоллар парваришига алоҳида эътибор қаратаётир.

**Суратда: агрофирма ишчиси Нилуфар Мадаминова.**

**Мақсад ҲАБИБУЛЛАЕВ (ЎзА) олган сурат.**

## Қонунчиликда янгилик

**Яқинда бир аёл ҳузуримга келиб ёрдам сўради: «Бир неча йил аввал катта қизимни мактабни битириши билан турмушга бердик. Асли ниятим, уни ўқитиб, врач қилиш эди. Аммо қайнонам «Бош неварамнинг тўйини кўриб қолай», дегач, юзидан ўтолмадик. Янги келинлик даврида болагинам ҳомиладор бўлиб, жуда қийналди. Ўтиб кетади, деб беэътибор бўлибмиз, кучли оғриқ белини букиб қўйгач, врачга учрашдик. «Бачадон ташқарисидаги ҳомиладорлик» деган ташхис қўйишди. Жарроҳлик амалиёти чоғида бачадонни олиб ташлашга тўғри келибди. Болагинам бизнинг орзу-ҳавасларимизни деб, бебахт бўлиб қолди. Энди эса кенжа қизимни ҳам коллежни тамомламасдан узаттиришмоқчи. Қайнонамга «янги қонун чиқибди, эрта турмушга чиққанни ҳам, ота-онасини ҳам қамаб қўяркан», дедим. Опажон, ўзингиз уларни бир йўлга солиб беринг...»**

# Бахт бут бўлсин деб

Очиғи, аёлнинг қонунларимиздан хабардорлигидан хурсанд бўлган бўлсам, ўз вақтида қилган қатъиятсизлигидан афсусландим. Зеро, «ёр-ёр» садолари остида тилло остонага қадам қўяркан, ҳар бир келин эзгу ниятлар қилиб, шу хонадонда ҳурмат топиб, туп қўйиб, палак ёзишни Яратгандан сўрайди. Ўғил-қизларни дунёга келтириб, имонли-инсофли қилиб вояга етказиш эса ўзбекнинг энг улуғ, покиза ниятларидан ҳисобланади. Аммо, афсуски, оналик мақомига интилаётганларнинг ўзи гўдак бўлсачи? Ҳали балоғатга етиб улгурмаган вужуд гўдак учун на жисмоний, на руҳий озуқа бера олади. Бу эса миллат келажагига энг катта хиёнатдир. Фарзанднинг ортидан орзу-ҳавас кўришга интилиш яхши, бироқ бу ҳолат бошқаларнинг умрини завол топтириш ҳисобига бўлмаслиги керак.

2013 йилнинг 30 апрелида кучга кирган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун асосида Жиноят ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларга тегишли ўзгартиришлар киритилди. Мазкур ўзгартиришлар ёш қизларимиз саломатлигини асраш, оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш, юқоридаги каби кўнгилсиз ҳолатларнинг олдини олишда катта аҳамиятга эга. Бу борада маҳалла фуқаролар йиғинларида, туманимиздаги коллежларда тарғибот ишларини олиб бормоқдамиз.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 47³-моддаси бўйича эндиликда никоҳ ёшига етмаган шахс билан амалда никоҳ муносабатларига киришиш энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солинишига сабаб бўлади.

Ота-она ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан никоҳ ёшига етмаган шахсни эрга бериш ёхуд уйлантириш энг кам иш ҳақининг етти бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солинишига олиб келади. Қонунга мувофиқ бундай вазиятда никоҳ тузишга доир диний маросимни амалга оширганлик учун ҳам маъмурий жавобгарлик белгиланади. Бундай ноқонуний фаолият билан шуғулланган диний ходимлар энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан йигирма бараваригача жаримага тортилади. Никоҳ ёшига етмаган шахс билан никоҳ тузишга доир диний маросимларни амалга ошириш, шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилгандан кейин содир этилган бўлса, энг кам иш ҳақининг 50 бараваридан 100 бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ билан жазоланади.

Жарима тўлаб ҳам қонунбузарликни давом эттираётганлар Жиноят кодексининг $125^1$-моддасига асосан жиноий жавобгарликка тортилади, яъни никоҳ ёшига етмаган шахс билан амалда никоҳ муносабатларига киришиш, шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилгандан кейин содир этилган бўлса, энг кам иш ҳақининг йигирма бараваридан ўттиз бараваригача миқдорда жарима ёки бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч ойгача қамоқ билан жазоланади. Ота-она ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан никоҳ ёшига етмаган шахсларни эрга бериш ёхуд уйлантириш, шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилгандан кейин содир этилган бўлса, энг кам иш ҳақининг ўттиз бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд тўрт ой қамоқ билан жазоланади.

**Нодира ЖАЛОЛОВА,**
**Чуст туман ФҲДЁ бўлими мудираси**

## Сўранг, жавоб берамиз

**Мен ишлаётган хусусий корхонада маълум сабабларга кўра иш штати қисқартириладиган бўлди. Эшитишимизча, ишдан бўшаётган ходимга ишдан бўшатиш нафақаси тўланар экан. Илтимос, нафақа тўлаш тартиби ва миқдори ҳақида маълумот берсангиз.**

**Жамила УСАНБОЕВА,**
**Тошкент вилояти**

1. Меҳнат шартномасининг қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган ҳолларда бекор қилиниши ишдан бўшаётган ходимга ишдан бўшатиш нафақаси тўланишига сабаб бўлади.

Ишдан бўшатиш нафақаси тўланишидан мақсад ходим ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатлар туфайли ишдан бўшатилганида бошқа иш топиш учун кетган вақт давомида уни моддий қўллаб-қувватлашдан иборат.

2. Меҳнат шартномаси ходимнинг айбли хатти-ҳаракатлари (МК 97-моддаси 5-банди, 100-модда 2-қисми 3-4-бандлари, 106-модда 3-5-бандлари, шунингдек, ходимнинг айби билан ишга қабул қилиниши тартиби бузилганлиги сабабли ишдан бўшатилганда МК 106-моддаси 4-банди) туфайли бекор қилинганда ишдан бўшатиш нафақаси миқдори ходимнинг ўртача ойлик ҳақидан кам бўлиши мумкин эмас.

3. Ишдан бўшатиш нафақаси ходимга тўланадиган компенсация тўловидан фарқланмоғи лозим. Фойдаланилмаган таътил вақти учун компенсация пули берилиши ишдан бўшатиш нафақаси берилишига тўсқинлик қилмайди.

4. Ишдан бўшатиш нафақаси корхонада тўлиқсиз иш куни режимида касаначилик асосида ўриндошлик бўйича ишлаётган ходимлар ишдан бўшатилаётганида ҳам тўланиши керак.

**Умиджон ЖАЛИЛОВ,**
**Зангиота тумани ДНИ нотариуси.**
**Сардор КАРИМОВ,**
**Янгийўл тумани 5-ДНИ нотариуси**

# Меҳнат шароити

### диққат марказида

ўрганиб чиқилди. Қарийб 3745 та ҳолатда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича қонун, қоида ва меъёрлар бузилиши аниқланди ва иш берувчиларга тақдимномалар киритилди. Касаба уюшмалари аралашуви билан уларнинг 90 фоизи бартараф этилди.

Ўтган йилда шаҳардаги корхона ва ташкилотларда 72 та кўнгилсиз ҳодиса қайд этилди. Истеъмол моллари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш, траснпорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси касаба уюшмалари тармоқларида ушбу кўрсаткич юқори бўлиб турибди. Ҳар бир ҳодиса бирлашма кенгаши кенгайтирилган мажлисларида муҳокама этилмоқда. Бугунги кунда жабрланувчиларга товон пуллари, бир йўла ва ҳар ойда бериладиган нафақалар тўланиши касаба уюшма ташкилотлари томонидан қаттиқ назоратга олинган, бу йўналишда узилишларга йўл қўйилмаслиги юзасидан барча чоралар кўрилмоқда.

Туман ҳокимликлари билан ўтказилган семинарларда тушган таклиф ва мулоҳазаларни инобатга олиб шаҳар меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси билан ҳамкорликда жорий йилнинг июл-сентябр ойларида пойтахтда фаолият кўрсатаётган бюджет ташкилотларида меҳнат муҳофазасига масъул бўлган ходимлар билан 2 кунлик ўқув-машғулотлари ўтказиш режалаштирилди ва бу ишлар давом этмоқда.

Иш ўринларини шаҳодатдан ўтказиш талаб даражасида ташкил этилиши, корхона ва ташкилотларда ушбу йўналишга масъул ходимларнинг ҳуқуқий билимини ошириш, янги ишга кираётган ходимларни йўриқдан ўтказиш ҳам катта аҳамият касб этади.

Кўп ҳолларда ходимларнинг эҳтиётсизлиги, лавозим мажбуриятларида белгиланган вазифалардан четга чиқиш ҳоллари, мутахассислиги тўғри келмаган ишларни амалга оширишларига касаба уюшмалари ўз ваколати доирасида тўсқинлик қилиши, уларнинг хавфсизлигини таъминлаш учун замин яратиши лозим.

Ушбу соҳада янада ижобий ўзгаришлар ясашга интилар эканмиз, ҳозирги мавжуд ҳолатга танқидий баҳо бериш, корхона раҳбарлари ва жойлардаги касаба уюшма ташкилотлари билан биргаликда соғлом ва хавфсиз иш шароитларини яратиш, ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳамда ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш бўйича фаолиятимизда кескин бурилиш ясашимиз керак. Авваламбор, бу йўналишда талабчанликни ошириш, ҳар бир муаммони бартараф қилишга қатъият билан ёндашиш, жамоат назоратини янада кучайтириш бўйича аниқ тадбирларни амалга ошириш талаб этилади.

**Равшан МАҲАМАДАЛИЕВ,**
**Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мудири**

